*Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

● № 42 (9788).

● 1990 йил 1 март пайшанба

Баҳоси 3 тийин.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

### СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда СССР Конституцияси (Асосий қонуни)га тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти лавозимини таъсис этиш зарур, деб ҳисоблансин.

2. СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда СССР Конституцияси (Асосий қонуни)га тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси асос деб қабул қилинсин.

3. СССР Олий Совети Президиумига СССР Олий Советининг комитетлари ва палаталарнинг доимий комиссиялари билан биргаликда СССР Олий Совети сессиясида айтилган таклифлар ва мулоҳазаларни эътиборга олиб, мазкур қонун лойиҳасини пухта ишлаб чиқиш топширилсин.

Аниқлик киритилган қонун лойиҳаси матбуотда эълон қилинсин.

4. СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда СССР Конституцияси (Асосий қонуни)га тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди муҳокамасига тақдим этилсин.

**СССР Олий Советининг Раиси** **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 27 февраль.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

### СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УЧИНЧИ СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди 1990 йил 12 март куни Москва шаҳрида чақирилсин.

**СССР Олий Советининг Раиси** **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 27 февраль.



# ҚОНУНГА ҲУРМАТ ТИКЛАНИШИ КЕРАК

**ТАССНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРИШАДИ**

Депутатларга СССРда Президент ҳокимияти тўғрисидаги қонун лойиҳаси тақдим этилганидан кейин 27 февраль куни сессиянинг ялпи мажлисида ўткир мунозара бўлди. Кўпгина нотиқлар Президент ҳокимиятининг тақдим этилаётган структурасини ҳам, СССР халқ депутатларининг президент сайланиши мўлжалланаётган навбатдан ташқари Съездини чақириш муддатини ҳам аслида сўзсиз қўллаб-қувватладилар. Улар мамлакатдаги вазият жуда кескин бўлиб турганлиги, қайта қуриш тақдири учун халқ жуда хавотирга тушиб қолганлиги шуни тақозо этмоқда, деб уқтирдилар.

Президент ҳокимиятини таъсис этишни пайсалга солмаслик учун Съездни март ойининг бошларида ўтказиш керак, деб ҳисоблайди депутат Е. П. Велихов. Нотиқнинг фикрича, шундай ҳокимиятсиз ҳозир мамлакатнинг ички ва ташқи хавфсизлигини, қонунчиликнинг барқарорлигини таъминлаш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш мумкин эмас. Депутат мудофаа кенгаши вазифаларини тезроқ президентлик кенгашига бериш зарурлигини алоҳида таъкидлади, унинг фикрича, ҳозор мудофаа кенгаши аслида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг органи бўлиб қолган. Бу тадбир ҳарбий ислоҳот ўтказиш, мудофаанинг етарлича бўлиши доктринасини узил-кесил ишлаб чиқиш учун зарурдир.

Депутат С. Г. Арутюнян президент лавозимининг таъсис этилишини федерация бирлигининг гарови, деб атади. Ҳозирги мураккаб вазиятда барча миллатларга мансуб кишиларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тез ва қатъий ҳаракатлар қилишга қодир бўлган ҳокимият зарур, деб таъкидлади у. Шу лавозимни таъсис этишда сусткашлик қилинса, жамиятдаги мувозанат батамом бузилиб кетиши мумкин.

Депутат С. Б. Станкевичнинг фикрича, тақдим этилган лойиҳа зиддиятли ва етарлича ишлаб чиқилмаган. Рўбарў турадиган кучли парламент бўлган тақдирдагина ҳокимиятнинг бир киши қўлида тўпланишига рози бўлиш мумкин. У парламент органлари розилиги билангина Президент қабул қилиши мумкин бўлган қарорлар доирасини аниқ-пухта белгилаб қўйишни таклиф этди.

Депутат А. А. Собчак ҳам тақдим этилган лойиҳага қарши чиқди. Президентлик лавозимини таъсис этишдан илгари мамлакатнинг янги конституциясини қабул қилиш керак, деб ҳисоблайди нотиқ, ўша янги конституцияда мамлакатнинг янги миллий давлат тузилиши белгилаб берилади. Депутат В. В. Хмура бу фикрни кучайтирди: лойиҳани қўйтуриб, халқ билан маслаҳатлашиш керак. Ҳозир биз президентни сайламасдан, қонунни ижро этиш тўғрисида қонун қабул қилишимиз керак, деди у.

Депутат А. Н. Яковлевнинг фикрича, янги лавозимни таъсис этишнинг асосий моҳияти — ҳокимиятнинг коллектив шаклига диалектик антитеза (муқобиллик) бунёд этишдир, ҳокимиятнинг шу шаклида кўпгина ижобий жиҳатлар бўлсада, аммо, ҳар қалай, муқаррар тарзда у ўз шиддатини йўқотади, унинг замирида иш жараёнларининг ва бу жараёнларга баҳо бериш мезонларининг муайян тарзда бюрократлашуви, масъулиятнинг юзакилиги бор. Ҳокимият вазифалари партиядан конституцион органларга берилаётган ҳозирги вақтда сиёсий ҳокимият структурасидаги узвий ўзгаришларга тайёр бўлиб туриш керак.

Коллектив баёнотни ўқиб эшиттирган Болтиқ бўйи депутатлари гуруҳи алоҳида позицияни эгаллади. Улар, ҳокимиятнинг янги муассасаларини бунёд этишда қатнашмаймиз, дейишди, чунки Литва, Латвия ва Эстониянинг Олий Советлари уларга берган ваколатлар, гўё, асосан мазкур республикаларда давлат мустақиллигини тиклаш тўғрисида ССР Иттифоқи раҳбарияти билан музокаралар олиб боришга тайёргарлик кўриш билан чекланган эмиш.

М. С. Горбачев муҳокама якунларини чиқарди. Мунозаранинг кўпчилик қатнашчилари, деди у, президент ҳокимиятини таъсис этиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватладилар. Келишмовчиликлар, биринчи қарашда, шу лавозимни жорий этиш муддатлари ва дастурига дахлдордек туюлди. Аммо бу фақат биринчи қарашдагина ана шундай. Аслида эса Олий Советнинг бу мажлисида икки нуқтаи назар аниқ-равшан кўринди. Назаримда биз бугун регионлараро депутатлар гуруҳига мансуб халқ депутатлари катта группасининг пухта ўйлаб чиқилган, келишиб олинган позицияси билан тўқнашдик. Улар ҳам гарчи президентликни маъқуллаб чиқишган бўлсада, лекин шундай пинсандалар қилишдики, шу аснода бу жараённи йўққа чиқармаганда ҳам уни секинлаштириш мақсади кўзга чалиниб қолди. Бундан учтўрт ҳафта илгари улар президент зарур деб аюҳаннос кўтарган эдилар, бугун эса президентлик лавозими — диктатура йўлидир, демократияни, қайта қуришни бўғишдир, деб сиз билан бизни ишонтиришмоқчи. Назаримда, кимки вазият яхшилик сари ўзгаришини истамаётган бўлса, ана шу жуда муҳим масалани ҳал этишни пайсалга солишни талаб қилиши мумкин, холос.

Буни менинг шахсий нуқтаи назарим деб ҳисоблашингизни сўрайман, деди М. С. Горбачев. Мен буни фожиа деб билаётганим йўқ, деб таъкидлади у. Жамиятда позициялар ўртасида тафовутлар бор, биз буни кўриб турибмиз, партияда, Марказий Комитетда бу нарса сезилмоқда, мана энди бугун эса, бу ерда Олий Советда ҳам намоён бўлди. Бунга биз ишлашимиз лозим бўлган ҳақиқий вазият деб қараймиз. Ҳақиқий вазият эса шундайки, бутун жамиятимиз ҳокимиятнинг дадил ва қатъий ҳаракатларини кутиб турибди. Юқори поғонада кучларни дарҳол ва тубдан қайта гуруҳлашимиз лозим бўлиб турибди, ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этмоқда. Бу юмушнинг стратегик мақсади марказда ва жойларда ижроия ҳокимият ваколатларининг сифат жиҳатидан янги даражасига чиқишдир. Фақат шундагина сиёсатимиз ва қонунларимиз самарали ишлай бошлайди. Демак, биз худди ана шу йўлдагина мамлакатдаги ижтимоий кескинликни юмшатишга, иқтисодий ислоҳотни силжитишга эришамиз.

Номма ном овоз бериш натижасида сессия СССР Олий Совети Президиумининг СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда СССР Конституциясига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифини кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватлади. Депутатлар тақдим этилган қонун лойиҳасини асос деб қабул қилдилар. Олий Совет ўзининг доимий органларига бўлиб ўтган музокарани ҳисобга олиб, бир ҳафта ичида мазкур қонун лойиҳасини пухта ишлаб чиқишни ҳамда СССР халқ депутатларининг 12-13 мартда чақиришга қарор қилинган навбатдан ташқари съездига тақдим этишни топширди.

**С. ВОЗИАНОВ,**
**Н. ЖЕЛЕЗНОВ,**
**А. ПЕТРОВСКИЙ.**

## ЧССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АМАЛИЙ ТАШРИФИ

ЧССР Президенти В. Гавел 27 февраль куни СССР Олий Советининг халқаро ишлар комитетида суҳбат ўтказди. СССР ва Чехословакия раҳбарларининг куни кеча бўлиб ўтган учрашуви мазмуни, музокаралар ҳамжиҳатлик ва рўй-ростлик вазиятида ўтганлиги парламентлараро алоқаларни ҳам анча жадаллаштиришга умид қилиш учун асос бўлаётганлиги, айниқса иккала давлатдаги демократиялаш жараёнлари бунга кўмаклашаётганлиги қайд этилди.

Шу куни меҳмон совет маданияти арбоблари билан учрашди. Маданият ва сиёсат тўғрисида, Чехословакияда ва Совет Иттифоқида шу соҳаларда рўй бераётган жараёнлар ҳақида, жамият турмушидаги маънавий негизлар ҳақида гаплашилди.

ЧССР Президентининг СССРга қилган икки кунлик амалий ташрифи кечқурун ниҳоясига етди.

Аэропортда В. Гавелни СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ НАРИМАНОВ ШАҲРИНИ ТУГАТИШ ВА УНИНГ ТЕРРИТОРИЯСИНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТАРКИБИГА БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари Тошкент область ва шаҳар Советлари ижроия комитетларининг Тошкент областидаги Нариманов шаҳрини тугатиб, унинг территориясини Тошкент шаҳри таркибига бериш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.

2. Таърифига ва график тасвирига мувофиқ Тошкент шаҳри чегараларига қисман ўзгартишлар киритилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**М. ИБРОҲИМОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 27 февраль.

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТАРКИБИДА БЕКТЕМИР РАЙОНИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Тошкент шаҳри таркибида Бектемир районини тузиб, унинг таркибига Тошкент шаҳрининг Тошкент областидан берилган собиқ Нариманов шаҳри чегараларидаги территориясининг бир қисмини бериш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**М. ИБРОҲИМОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 27 февраль.



## ЯНА БАҲОР КЕЛДИ

● **КАЛИНИН ноҳиясидаги Куйбишев номли колхозда баҳорги дала ишлари қизиб кетди. Айни кунларда бу ерда далаларга эртаги карам кўчатларини ўтқазиш бошлаб юборилди. Эртаги сабзавот экинларининг кўчатларини тайёрлашда Ҳамидулла Шукуров бошчилик қилаётган парник хўжалиги коллективининг ҳиссаси, айниқса, катта. Улар кўчатчилик билан биргаликда мўл маҳсулот ҳам етиштирмоқдалар. 1989 йилда теплица хўжалигида салкам 60 тонна помидор ҳосили олинди. Суратларда: (чапдан) тажрибали кўчатчилар Дилором Ашурова ва Турсуной Шомансурова; экишга тайёр карам кўчатлари; Абдуваҳоб Абдуллаев ниҳолларни суғормоқда.**

**Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ суратлари.**





## ЛЕНИННИНГ ҒОЯВИЙ МЕРОСИ

МОСКВА, 27 февраль. (**ТАСС мухбири**). Бугун пойтахтимизда «Лениннинг ғоявий мероси ва уни ҳозирги шароитда музей воситалари ёрдамида тарғиб қилиш» мавзуида илмий-амалий конференция очилди. Конференция Совет давлати асосчиси туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган. Унда Ватанимиздаги, бошқа мамлакатлардаги В. И. Ленин музейлари ва филиалларининг директорлари, партия ходимлари ҳамда олимлар иштирок этишмоқда.

Программада «Давра суҳбатлари» ўтказиш, «Чехословакия санъатида В. И. Ленин образи» кўргазмасини томоша қилиш, В. И. Ленин Марказий музейи кўргазмасини бадиий безаш лойиҳаси билан танишиш кўзда тутилган.

## Халқ депутатлари вилоят Шўроси депутатлари сайловини ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясида

ВИЛОЯТ сайлов комиссияси халқ депутатлари вилоят Шўроси депутатлигига сайланганларнинг 27 февралда матбуотда эълон қилинган рўйхатига қўшимча хабар қилади:

**Сайдалиев** Сайфулла Давирович — Тошкент вилоят партия комитетининг котиби, КПСС аъзоси, Тошкент, шаҳрида яшайди, 103-Ленин сайлов мавзеси, Бўка ноҳияси.

**Хайдуров** Юрий Алексеевич — Чиноз ноҳия партия комитетининг биринчи котиби, КПСС аъзоси, Чиноз ноҳиясида яшайди, 194 Кўтарма сайлов мавзеси.

**Ҳайдарова** Сожида Мустафоқуловна — Пискент ноҳиясидаги «Гулистон» колхозининг биология лабораторияси лаборанти, ВЛКСМ аъзоси, Пискент ноҳиясида яшайди, 164-Керовчи сайлов мавзеси.

**Халилов** Ваҳобжон Маматисоқович — Тошкент темир-бетон буюмлари заводи директори, КПСС аъзоси, Ўрта Чирчиқ ноҳиясида яшайди, 170-Туябўғиз сайлов мавзеси.

**Ҳасанов** Ўткир Ҳамидович — Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссарининг муовини, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, 167-Североманк сайлов мавзеси.

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ШЎРОСИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ЙИГИРМА БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ШЎРОСИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

ХАЛҚ депутатлари вилоят Шўроси ижроия қўмитаси **қарор қилади:**

Вилоят Шўроси ижроия қўмитасининг «Йигирма биринчи чақириқ халқ депутатлари вилоят Шўроси биринчи сессиясини чақириш тўғрисида»ги 1990 йил 22 февраль қарори ўзгартирилиб, шу йилнинг 12 мартига белгиланган сессия 7 мартга кўчирилсин.

**Ижроия қўмита раиси** **А. ЙЎЛДОШЕВ.**
**Ижроия қўмита секретари** **А. МАНСУРОВ.**

1990 йил 27 февраль, Тошкент шаҳри.

* * *

ХАЛҚ депутатлари вилоят Шўроси ижроия қўмитаси халқ депутатлари вилоят Шўросининг биринчи сессиясида кўриб чиқиш учун ташкилий масалаларни киритишни мўлжалламоқда.

## ҲАМКАСБИМИЗНИ ҚУТЛАЙМИЗ

«Тошкент ҳақиқати» газетасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилганлиги учун газета бўлими мудири ўртоқ **А. Йўлдошев** Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети ва вилоят Совети ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

*● Дала ишлари кундалиги*

## УРУҒЛИК ЧИГИТ ТАЙЁРМИ?

БАҲОР келди. Деҳқоннинг юмуши кўпайди. Экинтикин ишларига ёппасига киришиладиган кунлар яқинлашмоқда. Сабзавоткорлар, ғаллакорлар, боғбонлар қатори пахтакорларимиз ҳам янги мавсумни шайланиб кутиб олмоқдалар. Айни кунларда асосий диққат-эътиборни техникани мавсумга бекаму-кўст созлаш, ерларни тайёрлашга қаратиш билан бир қаторда зарур миқдордаги **уруғликни тайёрлаб қўйиш** ҳам муҳим вазифадир. Чунки уруғ сара бўлмаса не-не машаққат билан қилинадиган меҳнатнинг зое кетиши ҳеч гап эмас. Фидойи деҳқонларимиз бундай бўлишига йўл қўймайдилар, албатта.

Бу йил вилоятимиз далаларида пахтанинг асосан С-65-24 нави уруғлиги экилади. Бу уруғликни пахтакорларимиз обдон синаб кўрдилар. Тола чиқиши яхши, пишиқ, ҳосил эрта етилади. Шунингдек, қолган майдонларга С-48-80 «Ан-Боёвут», «Боёвут-2» навли чигитлар уруғи қадалади.

Ҳисоблаб чиқилди. Биринчи экиш учун жаъми 8 минг 210 тонна уруғлик зарур бўлади. Лекин қўшимчаси билан 13 минг 327 тонна уруғлик тайёрлашга аҳд қилинди. Шундай бўлиши ҳам керак. Чунки об-ҳавонинг қандай келишини олдиндан айтиб бўлмайди. Ҳар хил воқеалар рўй бериши мумкин. Ана шунда шошиб қолмаслик учун омборларда, албатта, ортиқча уруғлик чигит сақланганига нима етсин!

Ҳозиргача шу ҳисобдан 12 минг тоннага яқин уруғлик тозаланди. Бу мўлжалдагига нисбатан 90 фоиздан ортиқдир. Бу йил далаларга 1293 тонна туксизлантирилган чигит экилиши керак. Бу соҳадаги топшириқ ҳам муваффақиятли бажарилмоқда.

Вилоятимиз бўйича ҳозиргача тозаланган уруғлик чигитнинг 4645 тоннаси дориланди. Шундан 4100 тоннаси хўжаликларга жўнатилди. Бу иш қатъий қоида-тартиб асосида олиб борилмоқда. Аввало санитария-эпидемиология станцияси ходимлари хўжаликларда бўлиб, уруғлик сақланадиган омборхоналарни кўздан кечирадилар. Агар бу жойлар рисоладагидек бўлсагина уруғликни олиб келиб сақлашга рухсат берилади.

Шуниси қувончлики, тайёрланган уруғлик чигитнинг 6654 тоннаси унувчанлиги юқори бўлган чигит ҳисобланади.

Оққўрғон, Янгийўл, Чиноз ноҳияларида уруғлик чигитни тайёрлаш, дорилаш ва хўжаликларга жўнатиш, айниқса, яхши бормоқда. Бироқ ҳамма ерда ҳам иш бир меъёрда кетаяпти деб айта олмаймиз. Ўрта Чирчиқ, Бекобод ноҳияларида уруғлик чигит тайёрлаш анча суст бораётир. Бу районларнинг агросаноат уюшмалари раҳбарлари, мутахассислар ишни тезлаштириш чораларини кўришлари керак.

Бу йил ҳам янги — истиқболли уруғлик чигит навларини синаш давом этади. Хусусан 7 минг гектар майдонда пахтанинг «Наманган-1» нави етиштирилади. Бу муҳим иш билан энг тажрибали пахтакорлар, уста мутахассислар шуғулланадилар.

Кузда йиғилажак ҳосилнинг салмоғи ҳеч шубҳасиз деҳқонларнинг айни кунлардаги юмушларни вақтида ва бекаму-кўст бажаришларига боғлиқдир. Уруғлик чигитни етарли миқдорда жамғариб қўйиш ва намунали сақлаш эса ана шу ишларнинг энг муҳими ҳисобланади. Буни унутмаслик керак.

**Н. РИХСИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг агросаноат бўлими мудири.**

